

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.I.17.01 РАҶАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЧИЛОВ АБРОР НИЯТҚОБИЛОВИЧ

**КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economics sciences**

Ачилов Аброр Ниятқобилович

Кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралар хисобини такомиллаштириш	3
---	---

Ачилов Аброр Ниятқобилович

Совершенствование учёта товарно-материальных запасов предприятий химической промышленности	25
---	----

Achilov Abror Niyatkobilovich

Improving accounting of inventories of the chemical industry enterprises.....	47
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....	51
------------------------------	----

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.I.17.01 РАҶАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЧИЛОВ АБРОР НИЯТҚОБИЛОВИЧ

**КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.1.PhD/Iqt426 рақам билан рўйхатга олинган.**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-сахифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холбеков Расул Олимович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Курбонов Зиёд Ниёзович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Джуманова Айжан Бахтияровна

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSC.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” ____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 “А” уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 “А” уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tfi.uz

Диссертация автореферати 2019 йил “___” ____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” ____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

И.Н.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

С.У.Мехмонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда дунё миқёсида кимёвий маҳсулотларнинг 1,5 миллиарддан кўпроқ истеъмолчилари мавжуд. Дунё эксперларининг кузатувларида ҳам маълум бўлмоқдаки, кимёвий товар-моддий захираларига бўлган эҳтиёж йил сайн ортиб бормоқда. Бугунги кунда жаҳон кимёвий саноати товар-моддий захиралари ҳисобини такомиллашиши, таннархни пасайиши ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришда иқтисодий жиҳатдан ижобий ўзгаришлари кузатилмоқда. “Давлатлар ўртасида кимёвий маҳсулотлар савдо айланмасига таъсир қилувчи тўсиқларни бекор қилиниши натижасида кимёвий товарлар талаб этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий ҳолати яхшиланган. Жаҳон кимё саноати товар-моддий захиралари ҳисобининг такомиллашганлиги ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида автомобилсозлик, компьютер ишлаб чиқариш, умумий машинасозлик, саноат ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноатида ўсишга эришилган”¹.

Халқаро амалиётда кимё саноати товар-моддий захираларни гуруҳланиши ва ҳисобни такомиллаштириш, кимёвий чиқиндиларни ҳисобга олиш ва улардан самарали фойдаланиш, бухгалтерия ҳисоби хужжатларни айланиш тартиби ва ҳисоб регистрларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар кимё саноати корхоналари хусусиятларидан келиб чиқиб товар-моддий захиралардан самарали фойдаланиш, бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этилиши, рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиётимизга татбиқ этиш асосий зарурият эканлигини белгилаб беради. Жаҳон кимё саноатининг ривожланиши ўзаро товар айланмасини яхшилаш, товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни илмий тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам кимё саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва илмий ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида илмий жиҳатдан такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масаласи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларида талаб этилаётган кимёвий товар-моддий захираларнинг мустаҳкам базасини яратиш ва уни такомиллаштириш, рудали ҳудудларни тадқиқ қилиш, захираларни аниқлаш ва кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Хусусан “Кимё саноати корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодиётда талаб этилаётган кимёвий маҳсулотларнинг ассортиментини, шу жумладан меламин, метиламин, формальдегидли, карбамид-формальдегидли ва меламин-формальдегидли

¹ Кондратьев В.Б. Мировая химическая промышленность «Перспективы. Электронный журнал». 2017. №2 (10).

сақичлар, этила-цетат, озуқа тузи, натрий бикарбонати, хлор-сирка кислотаси, натрий нитрати, бутилацетат, тринатрий фосфат, нитроцеллюлоза, металлургия, нефтгаз ва тўқимачилик саноатлари учун реагентлар ва кимёвий қўшилмалар, шунингдек, полимер фитинглар, биаксил йўналтирилган полипропилен пленкаси, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари ва уларни ишлаб чиқариш учун амалдаги моддаларни чиқариш ҳисоби бўйича оптимал усувларни ташкил этиш”² каби мақсад ва вазифалар белгилаб берилган. Бу ўз навбатида кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралар ҳисобини тармоқдаги ислоҳотлар талабларига мос ҳолда такомиллаштириб боришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”даги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрель ПҚ-2884-сонли “O’zkimyosanoat” АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сонли “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш бўйича умумий маълумотлар ўрганилди. Бундай маълумотлар қўйидаги жаҳон иқтисодчилари илмий ишларида ўз аксини топган: H.R.Anderson, R.N.Anthony, M.F.Van Breda, K.Друри, J.C.Caldwell, G.Foster, E.S.Hendriksen., Ch.T.Horngren., B.Needlis, J.S.Reece, Т.П.Карлин, А.Р.Маклин³ илмий ишланмаларида товар-моддий захиралар тўғрисида баён қилинган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 1-илова.

³ Anthony R.N., Reece J.S. Accounting text and cases. Homewood. – USA.: Eighth Edition, 1989. – 586 с.; Needlis B., Anderson H.R., Caldwell J.C. Principles of accounting. – USA.: Houghton Mifflin Company Boston, 1993. – 496 с.; Hendriksen E.S., Van Breda M.F. Accounting Theory. – USA.: Homewood. IL Boston, 1992. – 746 с.; Друри К. Управленческий и производственный учет. – М.:ЮНИТИ-ДАНА», 2018.– 1424 с.; Horngren Ch. T., Foster G. Cost accounting: A Managerial Emphasis-USA by. Prentice-Hall. Inc -1987 – 414 с.; Карлин Т.П., Маклин А.Р. Анализ финансовых отчетов: учебник–М.: ИНФРА-М, 2001.–448 с.

Россия ва МДХ давлатларида бухгалтерия соҳасида илмий ишлар олиб борган олимларидан А.С.Бакаев, П.С.Безрукых, М.А.Булатов, А.А.Додонов, Н.Д.Врублевский, В.Б.Ивашкевич, В.Д.Новодворский, А.Р.Маклин, Т.П. Карлин, О.В.Латыпова, В.Ф.Палий, Я.В.Соколов, В.Т.Чая, А.Д.Шеремет, Л.З.Шнейдман⁴ илмий ишларида товар-моддий захиралар тўғрисида назария ва амалий ишланмалар ёритилган.

Мамлакатимиз олимларидан А.З.Авлоқулов, К.В.Аҳмаджонов, В.С.Беганов, С.В.Вахидов, А.В.Воҳобов, Ф.Г.Гулямова, Р.Д.Дусмуратов, А.Т.Иброҳимов, Ш.И.Илҳамов, Н.Ф.Ишонқулов, И.Н.Исманов, Ф.Р.Исломов, Ю.М.Иткин, И.Н.Кўзиев, М.Б.Калонов, А.А.Каримов, У.Т.Кан, Д.К.Кудбиев, А.С.Сотиволдиев, К.Б.Уразов, М.Умарова, Ш.У.Файзиев, М.Қ.Пардаев, Н.Т.Тошмаматов, М.М.Тулаҳоджаева, У.Т.Шаулов, Р.О.Холбеков, А.А.Хашимов, Б.А.Хошимов, М.Х.Ходжаева, Б.А.Ҳасанов, С.Б.Қодирхонов⁵ ва бошқаларнинг илмий-назарий ишларида товар-моддий захираларга оид айrim муаммолари тўғрисида тўхталиб ўтганлар.

Биз ўрганилаётган кимё саноатида товар-моддий захиралар ҳисоби бошқа тармоклардан фарқ қиласди. Профессор С.Б.Қодирхоновнинг “Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби” китобида ҳам бу масалага қисман тўхталиб ўтилган⁶. Бироқ замонавий адабиётларда кимё саноатида товар-моддий захиралар ва уларнинг хусусиятларига ойдинлик киритилмаган. Жумладан, мамлакатимиз кимё саноатида товар-моддий захираларни ҳисобга

⁴ Бакаев А.С., Врублевский Н.Д., Ивашкевич В.Б., Новодворский В.Д., Шеремет А.Д., Шнейдман Л.З. Безрукых П.С. Бухгалтерский учет. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 736 с.; Безрукых П.С. Бухгалтерский учет. Учебник.– М.: Бухгалтерский учет, 2000. – 576 с.; Безрукых. П.С. Учет затрат и калькулированные в промышленности. – М.: Финансы и статистика, 1986. – 256 с.; Булатов М.А. Теория бухгалтерского учета. Учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: «Экзамен», 2005. – 256 с.; Додонов А.А. Бухгалтерский учет в промышленности с основами учета в системе бытового обслуживания: Ученик для вузов – М.; “Легкая и пищевая промышленность”, 1981.– 472 с.; Чая В.Т., Латыпова О.В. Бухгалтерский учет: учебное пособия – М.: КНОРУС, 2006. – 489 с.; Бухгалтерский-аудиторский портфель-М.: Соминтек, 1994. – 752 с.; Палий. В.Ф., Соколов. Я.В. Введение в теорию бухгалтерского учета. – М.: Финансы, 1979.– 304 с.

⁵ Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби: Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик: – Т.: «Шарқ», 2004.—592 б.; Беганов В.С., Шаулов У.Т., Кан У.Т. Бухгалтерия ҳисоби ва унинг хусусиятлари. – Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 1999.–240 б.; Уразов К.Б., Вахидов С.В., Бошқа тармокларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. –Т.: “Адаб нашриёти” МЧЖ, 2011.– 446 б.; Воҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик.. –Т.: “Шарқ”нашриёти, 2005.– 480 б.; Гулямова Ф.Г. Самоучительпо бухгалтерскому учету.-2-е изд переработ и доп. –Т.: ООО «Norma», 2008. – 408 с.; Дўстмуродов Р.Д. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т.: Yangiyul polygraph service, 2007. – 256 б.; Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. (Янги счётлар режаси асосида), ПБ ва АА, 2002. – 356 б.; Иткин Ю.М. Сотиволдиев. А.С. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики. Т.: Мир экономики и права, 2003. – 452 с.; Исманов И.Н. Узок муддатли активлар бухгалтерия ҳисобининг методологик асослари. Монография-Т.: “Фан”, 2006. – 176 б.; Калонов М.Б. Автомобиль транспорти корхоналарида харажатлар ҳисобини юритиши масалалари: Монография. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2018. – 176 б.; Кудбиев Д.К. Проблемы анализа использования основных фондов в кооперативное торговле. Монография. –Т.: “Узбекистан”, 1990. – 128 с.; Пардаев М.Қ., Истроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил (Ўқув қўлланма): 1-кисм. –Т.: “Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси” нашриёт уйи, 2001. – 176 б.; Тошмаматов Н.Т. Аудит. ўқув қўлланма-Андижон, 2018. –300 б.; Тулаҳоджаева М. М., Илҳамов Ш.И., Аҳмаджонов К.В., Файзиев Ш.У., Ходжаева М.Х., Тулаев М.С. Аудит. Дарслик.2-кисм. –Т.: Иқтисодиёт, 2018. – 405 б.; Холбеков Р.О. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. – Т.: Фан, 2011. – 212 б.; Холбеков. Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти. – Т.: Фан, 2005. – 144 б.

⁶ Қодирхонов С.Б. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. — Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – 360 б.

олиш, уларни туркумларга ажратиш, ишлаб чиқариш босқичларининг алоҳида ҳисобга олиш жараёнлар ёритиб берилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот режасига киритилган ва ФМ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётининг концептуал йўналишлари»нинг муҳим устувор йўналишларига мос тушади.

Тадқиқотнинг мақсади, кимё саноати корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

кимё саноати корхоналари тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, товар-моддий захираларни гурухлаш ва ҳисобни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

кимё саноати корхоналарида қайтарилиган чиқиндилардан самарали фойдаланиш ва ҳисобини тўғри ташкил этиш борасида таклифлар бериш;

кимё саноатининг ўзига хос ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқиб, корхона активларнинг гурухлаш ва ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларни айланиш тартиби ва ҳисоб регистрлари бўйича тавсиялар бериш;

харажатларни пайдо бўлиш жойлари бўйича молиявий натижаларга таъсирини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг обьекти бўлиб, “O‘zkimyosanoat” акциядорлик жамияти таркибига кирувчи корхоналар жумладан, “Farg‘onaazot” акциядорлик жамияти, “Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи маълумотлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети, кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштиришга таъсир этувчи омилларни ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида гурухлаш, туркумлаш, таққослаш, индукция, дедукция, кузатув, статистик таҳлил, монографик кузатиш ўтказиш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

қайтарилиган чиқиндиларни, хомашё ва материалларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни такомиллаштириш бўйича ишчи счёtlар таркиби ҳамда калькуляция моддаларини гурухлаш услуби таклиф этилган;

фойдаланилмаётган кимёвий чиқиндиларни қайта ишлаш ва уни қурилиш ашёси сифатида сотиш ҳисоби такомиллаштирилган;

корхона активлари ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг миллий ҳамда халқаро стандартларига мос ҳолда тармоқнинг ўзига хос ишлаб чиқариш хусусиятлари асосида такомиллаштирилган;

бухгалтерия хужжатларини айланиши босқичлари ва уларни назорат қилишда комбинациялашган ҳисоб регистридан фойдаланиш таклиф этилган;

хар бир ишлаб чиқариш фаолиятида молиявий натижани тўғри аниқлашда, харажатлар ҳисоби бўйича қўшимча ишчи счёtlар очиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:

“Қайтарилигдан чиқиндилар” счётидан ҳамда “Материалларни ҳисобга олувчи счёtlар”ни “Хом-ашё” бўйича алоҳида “Материаллар” бўйича алоҳида ва “Кимёвий моддалар” бўйича алоҳида счёtlардан фойдаланиш таклифлари берилган.

кимёвий чиқиндидан самарали фойдаланиш, оҳак чиқиндисини қайта ишлаб ва қурилиш материали сифатида корхонага кирим қилиниб бозор нархларида сотиш таклиф этилган;

хўжалик активлари ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадида, шу кунгача материаллар ҳисобланган “Ишлаб чиқаришда катализаторлар”ни “Асосий воситалар” таркибиغا ўтказиш таклифи берилган;

корхонада хужжатларнинг айланиш босқичлари, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи асосий ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқаришда товар-моддий захиралар ҳаракатини ҳисобига олувчи комбинациялашган ҳисоб регистри ишлаб чиқилган;

хар бир ишлаб чиқариш тури бўйича молиявий натижаларни тўғри аниқлаш мақсадида “Асосий ишлаб чиқариш” цехларининг алоҳида ҳисобини юритиш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кимё саноатининг корхоналарининг аниқ маълумотлари ва бухгалтерия ҳисоботларига, “Ресурсларни тежаш ва таннархни камайтириш, ишлаб чиқаришдаги камайишларни таҳлил қилиш ва уни бошқариш” бўлимининг асосли маълумотларига, тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи йўриқномаларига асосланганлиги ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига, “O’zkimyosanoat” акциядорлик жамияти корхоналарнинг ҳисоб сиёсатига ва “Farg’onaazot” акциядорлик жамияти, “Navoiyazot” акциядорлик жамиятлари мисолида ишончли манбаларига асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кимё саноати корхоналари фаолиятида кимёвий товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган маҳсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тармоқда бухгалтерия ҳисобининг тўғри йўлга қўйилишига ёрдам беради, ҳисоб юритишнинг тезкорлигини оширади, кимёвий товар-моддий захираларни (реагентлар, катализаторлар) бухгалтерия ҳисобида аниқ ҳисобга олиш, ахборот билан

таъминлаш ва ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлари асосида:

“Қайтарилиган чиқиндилар” счётини очиш ва бухгалтерия ҳисобкитобларида фойдаланиш таклифлари “O‘zkimyosanoat” акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарининг “Ҳисоб сиёсати”га ўзгартиришлар киритишга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишида фойдаланилган (“O‘zkimyosanoat” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 22 ноябрдаги 01-5264/A-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши чиқиндилардан унумли фойдаланишга, технологик даражани аниқлаш имкониятига ҳамда уларни янгилаш ва таъмирдан ўтказиш кераклиги ҳам бухгалтерияда назорат қилиш имкониятини берган;

кимё саноати корхоналарида технологик мақсадларда ишлатиладиган материаллар ҳисобини такомиллаштириш, чиқиндилардан самарали фойдаланиш таклифлари “Farg‘onaazot” акциядорлик жамияти фаолиятида амалиётга жорий этилган (“Farg‘onaazot” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 16 ноябрдаги 43/6280-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши “Farg‘onaazot” акциядорлик жамиятида технологик сувларни зарарсизлантириш мақсадида ташлаб юбориладиган оҳак чиқиндиси қайта ишланган ва қурилиш материали сифатида корхонага кирим қилиниб, бозор нархларида сотиш ташкил қилинган ҳамда йиллик 480 млн сўм микдорда фойда олиш имкониятига эришилган;

кимё саноати корхоналарида бир йилдан ортиқ ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган “Материаллар ҳисоби” таркибидаги катализаторларни “Асосий воситалар” таркибига ўтказиш таклифлари “O‘zkimyosanoat” акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар фаолиятида товар-моддий захираларни такомиллаштиришга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишида фойдаланилган (“O‘zkimyosanoat” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 22 ноябрдаги 01-5264/A-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, юқори қийматда инвестиция киритишга оид талабларини бажаришга, корхонага сармоя киритиш салмоғини 30 фоизга оширишга, маҳсулотнинг таннархини пасайтиришга ва мулк солиғи шаклланишининг объективлигини таъминлаш имкониятини берган;

корхонада товар-моддий захиралар ҳисобини юритишига оид хужжатларнинг айланиш босқичлари уларни ҳисобга олиш тартиб-қоидалари ҳамда ҳисоб регистрларининг хўжалик жараёнидан фойдаланиш тавсиялари “Farg‘onaazot” акциядорлик жамиятида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштиришда фойдаланилган (“Farg‘onaazot” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 16 ноябрдаги 43/6280-сон ва “O‘zkimyosanoat” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 22 ноябрдаги 01-5264/A-сон маълумотномалари).

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши ҳар бир агрегатнинг иш фаолияти кўрсаткичлари, маҳсулот таннархидаги ўзгаришлар, техник-технологик жараён билан боғлиқ ҳолатлар бухгалтерияда назорат қилиш имкониятини берган;

“Асосий ишлаб чиқариш” счёти бўйича қўшимча счёtlар очиш ва амалда қўллаш таклифлари “Farg‘onaazot” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш ҳисобини такомиллаштиришда фойдаланилган (“Farg‘onaazot” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 16 ноябрдаги 43/6280-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларни амалиётга жорий этилиши ҳар бир цехнинг алоҳида молиявий натижасини аниқлашга ҳамда ҳар бир ишлаб чиқариш агрегатига алоҳида объектив баҳо бериш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Тадқиқот мавзуси бўйича илмий ишлар жами 21 та жумладан, ОАК рўйхатига киритилган журнallарда 6 та, нуфузли хорижий журнallарда 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий амалий конференцияларда 14 та маъруза ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил қиласди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган унинг мақсад ва асосий вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалда қўлланилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари”** деб номланиб, кимё саноатининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни ва уни ривожлантириш зарурийлиги, кимё саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни ташкил этишга таъсир этувчи омиллари, кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралари ҳисобини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган.

“O‘zkimyosanoat” корхоналарида 2018 йилда 4,9 трлн. сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 106,1 фоизни ташкил қилди. Соғ ҳолда 1294,04 минг тонна минерал ўғитлар, шу жумладан 980,5 минг тонна

азотли, 184,0 минг тонна фосфорли ва 129,54 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди⁷.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли “Кимё саноати ривожланишининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Дастури тўғрисида”ги қарорида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистоннинг йирик кимёвий корхоналарининг карбамид ва аммиакли селитра ишлаб чиқариш бўйича башорат параметрлари ишлаб чиқилган (1-расм).



1-расм. 2017-2021 йилларда Ўзбекистоннинг йирик кимёвий корхоналарининг карбамид ва аммиакли селитра ишлаб чиқариш бўйича башорат параметрлари⁸.

Ушбу башорат параметрлари таҳлил қилинганда карбамид ишлаб чиқариш “Farg’onaazot” АЖ йиллар давомида аста-секин ўсиб бориш тартибида ишлаб чиқариш режалаштирилган. Башорат параметрлари бўйича 2017 йилда 366,4 минг тоннадан 2021 йилда 530 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган, “Navoiyazot” АЖ 2020 йилда 115,5 тонна ва 2021 йилда эса 557,5 минг тонна ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бундай кескин ўзгариш кутилишига сабаб, “Navoiyazot” АЖда 2020 йил сентябрда қуввати йилига 660 минг тонна аммиак ва 577 минг тонна карбамид ишлаб чиқарувчи 985,7 млн. АҚШ долл. миқдорида жумладан 577,0 млн долл. JBIC (Япония) банки кредити ҳисобига технологик ускуналарни харид қилиш ва ишга туширилиши лойиҳалаштирилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги кунда “Farg’onaazot” акциядорлик жамиятида товар-моддий захираларни тежамли сарфланишини назорат қилиш “Ресурсларни тежаш ва таннархни камайтириш, ишлаб чиқаришдаги камайишларни таҳлил қилиш ва уни бошқариш” бўлими томонидан амалга оширилиб келинади. Бўлим ҳар бир маҳсулот (хизмат) ва бажариладиган ишлар бирлигига сарфланадиган меъёрлар ва улар асосида белгиланадиган лимитларни ҳисобини олади.

Кимё саноатининг ишлаб чиқариш жараёнида асосий хом-ашё омборсиз тизимга асосланган. Яъни корхонанинг маҳсулоти ҳисобланган

⁷ “O’zkimyosanoat” АЖ // pda.uzkimyosanoat.uz маълумотларидан фойдаланилди.

⁸ ПҚ-3236-сонли қароридаги №2 иловадан олинди ва муаллиф томонидан қайта ишланди.

азот минерал ўғитининг асосий хом-ашёси табиий газ, мол етказиб берувчилардан ўтказувчи мосламалар (трубалар) орқали тўғридан-тўғри асосий ишлаб чиқариш цехига юборилади. Бу жараённинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда аналитик ҳисобдан фойдаланишга ҳожат қолмайди.

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, кимё саноати корхоналарида тугалланмаган ишлаб чиқариш деярли бўлмайди. Ушбу қарашларга Профессор С.Б. Қодирхонов асарларида ҳам қисман эътибор қаратилган. У саноат корхоналарини икки гурухга, хом-ашё тайёрлаш ва қайта ишлаш саноатига бўлиш мумкинлиги такидлаб ўтган. Қайта ишлаш саноатининг ўзи ҳам технологик асосларига қараб икки гурухга бўлиниши, унинг биринчи гурухига кимё саноатининг барча тармоқларини киритиш кераклиги, чунки бу тармоқ узликсиз ишлаб чиқариш жараён билан тавсифланишига баён қилинган⁹. Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда юқоридаги фикрларимизга кўшимча сифатида кимё саноати корхоналарида маҳсулотлар яратишида ҳар бир жараёнида сарфланаётган ва ҳосил бўлаётган товар-моддий захираларнинг ҳисобини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлади. Таъкидлаб ўтиш керакки, кимё саноати корхоналари ишлаб чиқариш агрегатларининг кўпчилигига хом-ашёни деярли ўзи тайёрлаб беради.

Бухгалтерия ҳисоби ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолиятини тўлиқ ёритиб беради. Юқоридаги қоидаларги риоя қилган ҳолда, кимё саноати бухгалтерия ҳисоби ҳам ўз олдига бир қанча вазифаларни қўяди. Профессор Р.О.Холбеков ўз илмий ишланмаларида бухгалтерия ҳисоби олдида 3 та асосий вазифа борлиги тўғрисида баён қилган. Р.О.Холбековнинг таъкидлашича, “Бухгалтерия ҳисоби, корхона бошқарувини маблағлар ва унинг ташкил топиш манбалари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш, корхона мулкини муҳофаза қилиш, корхона хўжалик ҳисобини жорий этиб, уни мустаҳкамлаш ва иқтисодий тежамкорликни жорий этиш ҳамда такомиллаштириб бориш”¹⁰ кераклиги ҳақида ёзган.

“Товар-моддий захиралар – кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиши жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар”¹¹ деб таъриф берилган.

Бизнинг фикримизча, товар-моддий захираларни қуидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ: Товар-моддий захиралар бу – “Ишлаб чиқариш корхоналарининг айланма маблағларнинг таркибидаги моддий активлар, яъний корхоналарнинг айнан бир маҳсулот турларини яратиш хусусиятларидан келиб чиқиб, хом-ашёлар, ярим тайёр маҳсулотлар, кимё саноати корхоналаридаги реагентлар, тайёр маҳсулотлар, сотиш учун

⁹ Қодирхонов С.Б. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1993. – 14-18 б.

¹⁰ Холбеков Р.О. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 24-25 б.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия Ҳисоби Миллий стандартлари ЎзБАМА нашриёт-ахборот маркази, - Т.: 2007 . й – 198 б.

мўлжалланган товарлар, тугулланмаган ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга мўлжалланган кимёвий чиқиндилардан иборат”.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этилиши амалиёти**” деб номланиб, товар-моддий захираларни туркумланишининг ўзига хос хусусиятлари, товар-моддий захиралар ҳаракати ҳисобини ташкил қилиниши, товар-моддий захираларни сақлаш ва сотиш ҳисоблари тўғрисида баён этилган.

Кимё саноат корхоналарини товар-моддий захираларини ҳисобга олиш ва туркумлашнинг ўзига хос хусусиятлари келиб чиқиб, ишлаб чиқариш жараёни натижаларида олинган чиқиндилар қийматини алоҳида калькуляция моддаларда (“Қайтарилган чиқиндилар”) киритишни назарда тутиш керак.

Кимё саноати корхоналарида товар-моддий захираларни тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, материалларни ўзига хос тартиб асосида гурухлаш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, материалларни гурухлашни қуидаги тартибини тавсия қиласиз (1-жадвал).

1-жадвал

Кимё саноати корхоналарида материалларнинг гурухлари¹².

Амалда назарий жиҳатдан материалларнинг гурухланиши	Муаллиф таклифлари
Хом-ашё ва материаллар	Хом-ашё
—	Материаллар
Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар
Ёқилғи	Ёқилғи
Эҳтиёт қисмлар	Эҳтиёт қисмлар
—	Кимёвий моддалар
Қурилиш материаллари	Қурилиш материаллари
Идиш ва идиш материаллари	Идиш ва идиш материаллари.
Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар
Инвентар хўжалик жиҳозлари	Инвентар хўжалик жиҳозлари
Бошқа материаллар	Бошқа материаллар

Кимё саноати корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, материалларнинг гурухланиши ҳам юқорида кўриб ўтганимиздек бошқа тармоқлардан фарқ қиласи. Биз томондан таклиф этилган материалларнинг гурухланиши таркиби бевосита харажатларни калькуляция моддалари бўйича гурухлашга ҳам таъсир этади. Биз харажатларни калькуляция моддаларини умумий тартибга нисбатан бошқа таркиб бўйича гурухлашимиздан мақсад, тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаган ҳолда ҳар бир харажат тури бўйича таркибини тўғри аниқлаштириб олишдир. Масалан, кўп ҳолларда хом-ашё ва материаллар битта калькуляция моддаси сифатида кўрсатилади. Лекин, биз хом-ашё билан материалларни ўзига хос

¹² Муаллиф ишланмаси.

хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида-алоҳида калькуляция моддаси сифатида кўрсатишни таклиф этдик (2-жадвал).

2-жадвал

Ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари бўйича гурӯҳланиши¹³.

Амалдаги калькуляция моддалари	Кимё саноати корхоналарида таклиф этилаётган калькуляция моддалари
1. Хом-ашё ва материаллар.	1. Хом-ашё.
–	2. Материаллар.
2. Технологик мақсадларга мўлжалланган ёқилғи ва энергия	3. Технологик мақсадларга мўлжалланган ёқилғи ва энергия.
–	4. Кимёвий моддалар (реагентлар).
3. Қайтарилган чиқиндилар (чегириб қолинади).	5. Қайтарилган чиқиндилар (чегириб қолинади).
4. Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақлари.	6. Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақлари.
5. Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг қўшишмча иш ҳақлари.	7. Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг қўшишмча иш ҳақлари.
6. Ижтимоий сугурта ва бошқа мажбурий тўловларга ажратмалар.	8. Ижтимоий сугурта ва бошқа мажбурий тўловларга ажратмалар.
7. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаш-тириш харажатлари.	9. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари.
8. Асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари.	10. Асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари.
9. Умушишлаб чиқариш харажатлари.	11. Умушишлаб чиқариш харажатлари.
10. Яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишлар (фақат ҳисобот бўйича).	–
11. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.	12. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги жадваллардан келиб чиқиб, кимё саноати корхоналари бухгалтерия ҳисобида товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда олдинги товар-моддий захираларни гурӯҳлаш бўйича биз берган таклифдан келиб чиқиб амалдаги ишчи счёtlар тизимиға қўшишчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Жумладан, 1000 – “Материалларни ҳисобга олувчи счёtlар”ни “Хом-ашё” бўйича алоҳида, “Материаллар” бўйича алоҳида, “Кимёвий моддалар” бўйича алоҳида счётидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Яъни, 1010 – “Хом-ашё” ва 1011 – “Материаллар”, 1012 – “Кимёвий моддалар” счёти.

¹³ Муаллиф ишланмаси.

Кимё саноати корхоналари ишлаб чиқаришдан жуда кўп фойдаланиш мумкин бўлган чиқиндилар олинади. Лекин, ҳозирда уларнинг аниқ ҳисоби йўқлиги туфайли эътибордан четда қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадда 1410 – “Қайтарилган чиқиндилар” счётини таклиф қилмоқчимиз. Берилган таклиф орқали, биринчидан чиқиндилардан қай даражада фойдаланишни назорат қилиш мумкин бўлса, иккинчидан, корхоналарнинг технологик даражасини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Яъни, ишлаб чиқариш жараёнини ўзида цехлардаги чиқинди ҳисобга олинади. Учинчидан, тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имкони пайдо бўлади.

“Farg‘onaazot” акциядорлик жамиятида №160 цехда (Нейтрализацияланган ва тозаланган саноат сувлари) бир ойда 100 тоннага яқин оҳак, ёрдамчи материал сифатида сувни тузсизлантириш мақсадида ишлатилади. Лекин, оҳак чиқиндисидан самарали фойдаланилмайди. Яъни, маҳсус хандақларга ташлаб юборилади. Кузатувлар натижасида бу чиқиндидан курилиш материаллари сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

Бизнинг фикримизча, чиқиндилардан фойдаланиш натижасида қуидаги кўрсаткичларга эришиш мумкин:

– оҳак чиқиндисидан қурилишда пардозлаш сифатида фойдаланиш мумкин (оқлаш, шпатлёвкага қўшиш);

– оҳак чиқиндисини сотиш туфайли иқтисодий самарадорликка эришилади (сўндирилган оҳакни бозор нархи бир кг учун 400 сўм бўлса ва 100 тонна оҳак чиқиндиси олинса, бир ойда корхона 40 млн сўм қўшимча фойда кўриши мумкин ($100 \times 400 = 40$ млн). Бу йиллик фойда миқдорини 480 млн сўмга оширишига олиб келади).

Кимё саноати корхоналарнинг хусусияти уларда товар-моддий захираларнинг айланиши ва сақланиши тезкорликни талаб қиласи. Бундай хусусиятдан келиб чиқиб биз ҳам товар-моддий захиралар ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида назорат қилувчи хужжатларни тезкор айланиши бўйича тавсиялар бердик (3-жадвал).

3-жадвал

Корхонада товар моддий захираларга оид хужжатларнинг айланиш босқичлари¹⁴

1-босқич

Хужжатни тузиш босқичи				
Нусха миқдори	Ёзиш учун жавобгар	Расмийлаштириш учун жавобгар	Ижро этиш учун жавобгар	Бажариш муддати
2	Цех бошлиғи	Моддий- техника таъминот бўлими, бухгалтерия	Омбор мудири	Ҳар куни (соат 16 ⁰⁰ гача)

¹⁴ Муаллиф ишланмаси.

2-босқич

Хужжатни текшириш босқичи			
Текшириш учун жавобгар	Кимга тақдим этиш тартиби	Тақдим этиш тартиби	Тақдим этиш муддати
Бухгалтериянинг масъул ҳодими	1- нусхаси цех бошлиғига 2 –нусхаси омбор мудирига	Хисобот тузиш, рўйхатдан ўтказиш	Ҳар куни (соат 16 ⁰⁰ гача)

3-босқич

Хужжатни расмийлаштириш босқичи		Архивга топшириш	
Ижро этиш тартиби	Ижро этиш муддати	Ким ижро қилади	Хужжатни тақдим қилиш муддати
Бухгалтерия ҳодими томонидан бухгалтерия ёзувиларда акс эттирилади ва маълумотлар С-1 дастурига жойлаштирилади.	Ҳар куни	Бухгалтериянинг масъул ҳодими	З ойлик давр якунида

Диссертациянинг учинчи боби “**Кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралари ҳисобини тақомиллаштириш йўналишлари**” деб номланиб, кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралари ҳисобини тақомиллаштиришнинг услубий асослари, кимё саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини аниқлаш ва унинг ҳисобини тақомиллаштириш, товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида тақомиллаштириш тўғрисида баён этилган.

Кимё саноати корхоналарида катализаторлар ёрдамчи материаллар сифатида тан олинади ва ҳисоби 1012 – счётида юритилади. Лекин, катализаторларнинг хусусияти ва ишлаб чиқаришда қатнашиши материаллардан кўра кўпроқ асосий воситаларга яқин туради. Чунки, катализаторлар кимё саноати корхоналарда бир йилдан ортиқ хизмат қилади ва қиймати энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан юқори. Профессор И.Н.Исмановнинг таъкидлашича, корхонанинг хусусиятидан келиб чиқиб катализаторларни асосий воситаларга ўтказиш орқали мулк солиғининг объективлигини таъминлаш мумкинлигини айтиб ўтган. Бизнинг фикримизча, ушбу тақлифнинг амалиётга жорий этилиши таннархнинг пасайтириш учун ҳам асосий омил бўлади. Шу сабабдан биз катализаторларни материаллар таркибидан олиб, асосий воситалар таркибига ўтказишни ҳамда уни 0190 – “Катализаторлар” счётида ҳамда эскиришини 0290 – “Катализаторларнинг эскириши” счётида ҳисобга олишни тақлиф қиламиз. Шунингдек, катализаторнинг турлари бўйича қўшимча счёtlардан ҳам фойдаланиш мақсаддга мувофиқдир. Қуйидаги жадвалда 0190 – “Катализаторлар” ва 0290 – “Катализаторларнинг

эскириши” счётлари бўйича қўшимча счётлар таркиби тавсия этилган (4 жадвал).

4-жадвал

Товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган қўшимча счётлар тизими¹⁵

Счёtlар	Счёtlар номи
0191	Алюмокобальт-молибден АКМ-1 маркали катализатор
0192	Рухли ГИАП -10 маркали катализатор
0193	I – даражали ГИАП – 16 маркали никел катализатор
0194	II – даражали метан конверция қилиш учун ГИАП – 8 маркали никел катализатор
0195	II – даражали метан конверция катализатори ГИАП-14 маркали иссиқликка чидамли алюмохром катализатор
0196	Темир хромли, ўрта иссиқлик конверцияси учун I -даражали СТК-1-7 маркали катализатор
0197	II даражали НТК -4У маркали паст харорат учун углерод-окисиди катализатори
0198	II даражали (ПКЯ КСО – С)маркали катализатори
0199	Метанат учун НКМ -1 маркали никел-алюминий катализатори
Катализаторларнинг эскиришини ҳисобга олиш бўйича қўйидаги счёtlар таклиф этилади	
0291	Алюмокобальт-молибден АКМ-1 маркали катализаторининг эскириши
0292	Рухли ГИАП -10 маркали катализаторининг эскириши
0293	I – даражали ГИАП – 16 маркали никел катализаторининг эскириши
0294	“II – даражали метан конверция қилиш учун ГИАП – 8 маркали никел катализаторининг эскириши” счёти;
0295	“II – даражали метан конверция катализатори ГИАП-14 маркали иссиқликка чидамли алюмохром катализаторининг эскириши” счёти;
0296	Темир хромли, ўрта иссиқлик конверцияси учун I -даражали СТК-1-7 маркали катализаторининг эскириши
0297	II даражали НТК -4У маркали паст харорат учун углерод-окисиди катализаторининг эскириши
0298	II даражали (ПКЯ КСО – С) маркали катализаторининг эскириши
0299	Метанат учун НКМ -1 маркали никел-алюминий катализаторининг эскириши

Маҳсулотни асосий ва ёрдамчи материаллар турларга қараб меъёrlар бўйича амалга оширилади. Технологик ускуналарнинг ишлаш жараёнини назорат қилиш камчиликларни аниқлаш ва иш услубини такомиллаштириш мақсадида бир ойда цехларидан ишлаб чиқаришга сарфланган хом-ашёларни меъёрий миқдори ва меъёрдан оғишлар тўғрисидаги маълумотлар жадвал шаклида бухгалтерия бўлимига тақдим қилишини ташкил этиш зарур.

¹⁵ Муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

Ҳафталик ва ойнинг охирида асбоб-ускуналар ҳисобини текшириш ва назорат қилиш учун хом-ашёларнинг меъёри бўйича сарфланиши, ишлаб чиқариш бўлими ва ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш билан боғлиқ жараёнларнинг янгиланган жадвали тузилди (5-жадвал).

5-жадвал

“Farg‘onaazot” акциядорлик жамияти “АММИАК -3” цехида хом-ашёларнинг меъёри бўйича сарфланиши ҳисоби¹⁶

Ҳаражатлар манбаси	Ўлчов бирллии	2018 йил сентябрь ойига режа бўйича ишлаб чиқариш: 111700 т Шу жумладан товар қисми: 30775 т			2018 йил 1- октябрь ҳолатига ҳақиқатда ишлаб чиқариш: 126173 т Шу жумладан товар қисми: 24295,1 т						
		Таннарх бирлиги		Товар таннархи	Таннарх бирлиги		Товар таннархи				
		микдор	нарх	сумма	микдор	нарх	сумма				
Хом-ашё ва асосий материаллар табиий газ ва калькуляция манбалари бўйича бошқалар	T.м ³	0,97	224560	217823,2	30775	6703508980	0,97122	224560	218063,8	24295,1	5297883680

Цех бошлиғи _____ фамилияси, исми

Товар-моддий захиралардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилинда уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашдан бошланади. Ю.И.Сигидов ўз илмий ишланмаларида товар-моддий захираларни “материаллар ва ишлаб чиқариш захиралари” деб номлаган ва материал ресурслардан фойдаланиш самарадор аниқлаш формулаларни тавсия қилган¹⁷. Биз кимё саноати корхоналари хусусиятларидан келиб чиқиб, самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни қуидагича белгиладик:

- хом-ашё, материал, кимёвий моддалар қайтими;
- хом-ашё, материал, кимёвий моддалар сифими;
- хом-ашё, материал, кимёвий моддалар қайтимининг хусусий кўрсаткичлари;
- хом-ашё, материал, кимёвий моддалар сифимининг хусусий кўрсаткичлари.

Хом-ашё, материал, кимёвий моддалар қайтими (ТМЗQ) ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматини шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган хом-ашё, материал, кимёвий моддалар қийматига бўлиш орқали аниқланиб, у сарф қилинган бир сўмлик хом-ашё, материал, кимёвий

¹⁶ Ишлаб чиқариш цехларни назорат қилиш учун муаллиф ишланмаси.

¹⁷ Ю.С.Сигидов. Бухгалтерский учет и анализ. Учебное пособие М.: ИНФРА-М», 2014.— 152-155 с.

моддалар ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини билдиради ва у қуидаги формула билан аниқланади:

$$TM3Q = MX/CTM3 \quad (1)$$

бу ерда, MX -ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати; $CTM3$ -сарф қилинган хом-ашё, материал, кимёвий моддалар қиймати.

